Узбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг газна ижроси
коидаларига 8- илова

**“Узтрансгаз” АЖнинг Газли Магистрал Газ Кувурлари бошкармаси**
**ва Газли шахар касалхонаси билан**
**1 000 000 умумий суммасидаги**
**2022 й. "05" 01. 1 -сон шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Боб 054
Шахсий газна хисобвараги 100022860062427073101054002

*(сўмда)*

| 2022 й. ойлар номи | Харажатлар тури | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 7073.101.054<br>42 24 000 | | | 1 000 000 |
| Январ | 1 000 000 | | | |
| Феврал | | | | |
| Март | | | | |
| Апрел | | | | |
| Май | | | | |
| Июн | | | | |
| Июл | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябр | | | | |
| Октябр | | | | |
| Ноябр | | | | |
| Декабр | | | | 1 000 000 |
| **Жами:** | 1 000 000 | | | |

Жами **1 000 000** ( Бир миллион) сўм
-Юкоридаги курсатилган суммадан ойига 100% жорий ойнинг 31-санасигача ойлик равишда олдиндан туланиши лозим.

Раҳбар (имзо) Ф.Р.Хасанов

М.У.

Бош ҳисобчи (имзо) Б.Х.Джахсанова

Ғазначилик бўлинмаси
ходими кабул килди ________ (имзо)
20___ й. «____»__________

Бюджетдан маблағ олувчи
ходими кабул қилди ________ (имзо)
20___ й. «____»__________

**Мулкчилик шаклидан катьий назар ташкилот ва коркхоналарга ичимлик сувини етказиб бериш ва окава сувларини кабул килиш хизматлари буйича**

# ШАРТНОМА № 1

Ромитан шахар 05. 01 . 2022 йил.

**Узтрансгаз АЖнинг Газли Магистрал Газ Кувурлари бошкармаси** ишлаб чикариш бошқармаси, кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ш.Хайдаров номидан, бир томондан ва Газли шахар касалхонаси (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, Ўзининг низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ф.Р Хасанов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 «Бажарувчи » «Буюртмачи»га ичимлик сувини етказиб бериш ва ичимлик сувларни кабул килиш мажбуриятини уз зиммасига олади, «Буюртмачи » уз урнида амалда кулланилаетган тарифлар асосида ва ушбу шартномада кайд этилган шартлари буйича «Бажарувчи »га хизмат туловларини уз вактида тулаб бериш мажбуриятларини олади

1.2. Буюртмачи томонидан окава тармогида ташланган окава сувлар микдори, ичимлик суви тармогидан сарф килинган сув микдорига тенг килиб кабул килинади

1.3. Ичимлик сувини етказиб бериш ва окава сувларини кабул килиш буйича томонларнинг хукукларига мажбуриятлари амалдаги «Узбекистон Республикасида коммунал сув таъминоти ва окава сувларни узатиш тизимларидан фойдаланиш коидаларига (матн давомида «Коидалар») ва ушбу сохадаги Уз.Р.нинг бошка меъерий хужжатлари асосида аникланади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи»нинг хукуклари ва мажбуриятлари:

2.1.1. «Бажарувчи»ни шахар сув ва окава сув тармогига уланган инженер-техник воситалари оркали коммунал тармогидан фойдаланиш чегарасигача ичимлик суви билаи таъминлайди ва окава сувларини узатади. Коммунал тармогидан фойдаганиш чегараси «Мижоз»нинг шахар ичимлик сув ва окава сув узатиш тармогига уланган жойидир.

2.1.2. «Бажарувчи»нинг тармокка уланган жойигача булган ичимлик сув ва окава сувларни узатиш тармогини таъмирлаш, кайта тиклаш, кенгайтириш, янгиланиш хамда халокатларни барча сув окувларни бартараф этиш каби ишларни амалга оширади.

2.1.3. Шахар сув ва окава сув тармогида таъмирлаш ва бошка турдаги ишларни олиб борилаетган холларда хамда тулов хужжатларни туланмаган ва ушбу Шартноманинг шартлари «Мижоз» томонидан бажарилмаган холларда «Буюртмачи»ни олдиндан огохлантириб, ичимлик сувни бериш ва окава сувни кабул килишни тухтатади.

2.1.4. Куйидаги холларда «Буюртмачи»га хабар бермасдан туриб, сув етказишни ва окава сувларни узатиш тула ёки кисман тухтатади:

- «Бажарувчи» корхоналарида электр куввати билан таъминлаш тухтатилганда;
- Табиий офатлар юз берганда;
- Шахар сув тармогида кучли халокатлар юз берганда;
- Шахар сув тармокларига узбошимчалик билан уланиб олганда;

2.1.5. Шартномада илова килинган «Буюртмачи»нинг сув тармогини ва иншоотларини лойихасига асосланиб «Буюртмачи»нинг ички сув улчаш асбобларини холатини назорат килиб боради ва уларнинг тугри техник фойдаланиш ва сакланиш шартларни амал килинишини талаб килади.

2.1.6. Сув улчаш асбобларнинг курсаткичларини ва уларнинг мухрларнинг сакланишини ва бутунлигини кузатиб боради.

2.1.7. Истеъмолчиларнинг гурухларига караб етказиб бериш ва окава сувларни кабул килиш хизматлари учун белгиланган тарифлар асосида тулов хужжатларини такдим этади.

2.1.8. «Буюртмачи»га ичимлик сувнинг ва окава сувларни кабул килиш тарифларни узгаргани тугрисида уларни амал килиш муддатидан камида 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари оркали хабар беради.

2.1.9. «Буюртмачи»га амал килиш учун курсатмаларни ва «Буюртмачи»нинг вакили билан тасдикланиши зарур булган далолатномаларни такдим этади. «Буюртмачи» юкорида айтилган хужжатларга кул куйишдан бош тортса у холларда тушунмовчилик баенномаси тузилади ва у Хужалик судига куриб чикиш учун белгиланган тартибда топширилади.

2.1.10. Бюджет ташкилотларни бир чорак давомида молиялаштирилган лимитлари билан белгиланган м куб микдорда ичимлик суви етказиб беради

2.2. «Буюртмачи»нинг хукуклари ва мажбуриятлари:

2.2.1. Хар ойнинг 20-25 чи саналари ичида хисобот «Илова 1» такдим этади ва «Бажарувчи»нинг ичимлик сувини етказиб бериш ва окава сувларни кабул килиш хизматлари учун амалдаги тарифлар асосида хар метр куб ичимлик суви учун 1250 сум 00 тийин

2.2.2. Узига тегишли сув кувурлари окава сувларини узатиш тармогининг ва иншоотларнинг техник холатини ва фойдаланишини керакли равишда назорат килади ва уз худудида ичимлик сувининг барча турдаги окувларини ва самарасиз фойдаланишини бартараф килиш учун тегишли тадбирларни амалга оширади.

2.2.3. Шахар сув билан таъминлаш ёки окава сувларни узатиш тармогига уланишдан олдин, «Бажарувчи»дан белгиланган нархда Техник шартларини олади, унга сув таъминлаш еки окава сувларни узатиш тармогининг лойихасини ва узига тегишли шахар сув тармогига уланган барча объектларнинг жойлашишини такдим этади.

«Бажарувчи» шахар сув еки окава сувларни узатиш тармогига уланиш еки ундан узилиш харажатларини уз зиммасига олади.

2.2.4. Сув улчаш йигмасини (сув улчаш ва учириш асбоби) хар бир шахар сув тармогига уланган кувурига Коида асосида кулай ва химояланган жойга урнатади. Сув улчагич йигмаси «Мижоз»нинг хисобидан харид килинади ва унинг зиммасига юкланади. Сув улчагич курилмаси ва унинг холати буйича жавобгар хисобланади

2.2.5. Сув улчагич йигмасидаги мухрларнинг сакланишини назорат килади ва бузилган еки сув улчагич ишдан чиккан холларда «Сувокава»га уч кун давомида езма равишда хабар беради. Сув улчаш асбоблари «Узстандарт» органлари еки уларнинг ваколатли корхоналари томонидан текширилишини ва мухрланишини, хамда доимий текширувидан утишини уз хисобидан таъминлайди

2.2.6. Сув улчаш асбобини таъмирлаш еки алмаштириш ва текшириш максадида ечиб олишдан олдин «Бажарувчи»га хабар беради ва унинг вакили билан сув улчагични охирги курсатмаларни тасдиклайди.

2 2.7. «Бажарувчи» вакилини сув улчаш асбоби урнатилган жойини ва сув тармогини куздан кечиришни таъминлаши шарт.

2.2.8. Уз худудидаги сув тармогини лойихасини узгаришини ва суб-мижозларнинг уланган холларини «Бажарувчи»га хабар беради ва уларни алохида сув улчагич асбобларни ва «Бажарувчи» билан тегишли шартномани тузишни талаб килади.

2.2.9. Шахар сув тармогига ноконуний улангани ва уз худудидаги ичимлик суви билан бехисоб сарфлангани учун «Ичимлик сувидан ва окавадан фойдаланиш коидалари» асосида жавоб беради

2.2.10. Хар ойнинг 20-чидан то 25-гача хисобот ойида сарфланган ичимлик суви буйича ваколатли шахслар томонидан ва мухрланган равишда тасдикланган Далолатномани «Бажарувчи» га топширади. Далолатномани белгиланган вактда етказилмаган еки берилган маълумотлар камайтирилган холларда ичимлик сув сарфи даври учун шартноманинг 3.2. бандига асосан хисобланади.

2.2.11. Бюджет ташкилотлари ичимлик сув туловлари учун белгиланган моддий лимитларга амал килиши шарт ва уларнинг тулови ойма-ой туланиши лозим. Бюджет ташкилотлари томонидан лимитдан ташкари сувдан фойдаланиш туланмаган холларда «Бажарувчи» сув етказиб беришни тухтатади.

2.2.12.Уз карори билан ички сув етказиш тармогига. иншоотларига ва сув улчагич асбобларига жавобгар шахсни белгилайди ва у тугрисида «Бажарувчи» га уз вактида маълумот беради.

## III. ХИЗМАТ ХАКИ, ТУЛОВЛАР ТАРТИБИ

3.1. 1 метр куб ичимлик сувининг нархи 1250 сум 00 тийин

3.2, «Истеъмолчи»ни 2022 йил давомида бюджетдан ажратилган маблағ доирасида белгиланган 800 м..куб 1 000 000 сўм микдорда ичимлик суви билан таъминлайди Агар мазкур келтириб утилган микдордан ошикча ичимлик ва окава сувлари сарф килинса, бюджетдан маблаг олувчи ташкилот узининг махсус хисоб-ракамидан туловни амалга оширади.

| Йил | 1-чорак | 2-чорак | 3-чорак | 4-чорак | Жами бир йилда |
|---|---|---|---|---|---|
| 2022Бюджет хисобидан тулов | **1 000 000** | | | | **1 000 000** |
| М Куб микдорида | 800 | | | | 800 |

3.3.Сарфланган сув учун хисоб-китоб «Буюртмачи »нинг сув улчагич курсаткичлари асосида олиб борилади. Агарда сув улчагич асбоби ишдан чиккан булса, биринчи ой сарфланган сув микдори охирги уч ой даврда булган уртача ойлик сарфи буйича белгиланади. Агар бир ой давомида «Буюртмачи »нинг сув улчагич йигмаларида носозлик еки мухрнинг йуклиги (бузилганлиги)

бартараф килинмаган булса, ичимлик суви сарфи кувурнинг кесими буйича кунлик сарф кобилияти асосида шартноманинг 3.2. бандида келтирилгандек хисобланади.
3.4.Уланган кувурнинг кесими буйича кунлик сув сарфи куйидаги формула буйича хисобланади: Q=2,65xtxH, бунда Ғ- кувурнинг кундаланг кесими майдони (мм2) t-вакт, Р-сув босими (м). Бюджет ташкилотлари учун кувурнинг кесими асосида хисобланган сув сарфи хар куни 24 соат белгиланади.
3.5.«Бажарувчи » «Буюртмачи »га ичимлик суви етказиш ва бошка хизматлари учун тулов варакасини 30(уттиз) кунлик муддат билан такдим килади. Тулов микдори хисобот ойининг 15% микдорида олдиндан тулаган хак сифатида узида мужассам этади. Карздорлик мавжуд булган холларда хар чорак, зарурият булганда, хар ой карздорлик буйича далолатнома тузилади. «Буюртмачи » уз вактида сув сарфи учун берилган тулов варакасини ва карздорликни далолатнома асосида пул утказиш еки накд пул оркали тулаб боради. Курсатилган мухлатда пул утказилмаган такдирда, хар бир туланмаган кун учун карз микдоридан 0,4% жарима бюджет ташкилотининг махсус хисоб-рақамидан ундирилади, аммо 50% умумий карздан ошмаган холда.
3.6. Мазкур шартноманинг 2.2.6-2.2.9. бандлари бузилган такдирда "Бажарувчи" Ғазначиликнинг тегишли бўлинмасига хабар килади (телефон ёки хат оркали) ва Ғазначиликнинг тегишли бўлинмаси ходими ҳамда «Буюртмачи » билан тегишли далолатнома тузилади ва бир ойлик ичимлик суви сарфи шартноманинг 3.2. бандига асосан жарима сифатида хисобланади.
3.7. Белгиланган мухлатда «Буюртмачи » томонидан туловлар амалга оширилмаган такдирда, огохлантириш хати юборилади, «Бажарувчи » «Буюртмачи »га етказишни тухтатади ва Хужалик судига даъво аризаси билан мурожаат килади. Сув етказиш «Буюртмачи » томонидан «Бажарувчи » карзларини тулик амалга оширгандан сунг, еки езма равишда карзларни тулаш зиммасига юклантирилгандан кейин кайта тиклантирилади.
3.8.«Бажарувчи » билан шартнома тузган «Буюртмачи »нинг ички сув тармогига бошка истеъмолчилар гурухига карашли суб-мижозлар уланган холда, ушбу суб-мижозлар билан сув сарфи хисоб-китоб алохида тузилган шартнома ва белгиланган тарифлар асосида олиб борилади.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1.Томонлар уртасида келишмовчилик ва низолар узаро келишилган холда ечилиши лозим, ечимини топмаган холла, Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида суд органларига мурожаат килишлари мумкин.
4.2.Томонлар уртасидаги шартнома бекор килинган такдирда хам, улар келтирилган зарар ва узаро карздорлик жавобгарлигидан озод килинмайдилар.
4.3.Шартноманинг бажарилишида ва шартномада акс эттирилмаган масалаларни хал килишда томонлар "Коидалар" асосида иш юритадилар.

## V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

5.1 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси қонуннинг122-моддаси хамда ЎзР Молия Вазирлигининг 2016 йил 22 ноябрдагиги 88-сон буйруғи билан тасдикланган "Бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидалари"( Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилди)га асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради хамда 31.01.2022. йилгача амалда булади.
5.2 Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва кўшимчалар ёзма равишда тарафлар томонидан тасдиқлангандан кейингина ҳақиқий деб ҳисобланади.

5.3. Моддаларни кўрсатувчи сўз боши шартнома матнини ишлатишда кулайлик яратиш учун қўйилган ва булар шартномани бошкача талқин қилишга асос бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома тарафларнинг барча шартларини акс эттирган.

5.5. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

## ХИСОБ-КИТОБ

Сув улчагич ишлаганда сув харажати микдори сув улчагичнинг курсаткичига караб хисобланади. Агар сув улчагич ишламаганда эса бир ой мухлатдан кейин кириш сув кувурининг диаметри билан 1,5 м/секунд тезликда 12соат суткасига сув харакатда булади деб хисобланади.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Корхона»**

**Узтрансгаз АЖнинг Газли Магистрал Газ Кувурлари бошкармаси**

Почта манзили:Бухоро в.Ромитан т.
Газли ш.А-Темур №1.
Ҳисоб рақами :20210000700117836122
Банк коди (МФО):00862
СТИР (ИНН): 200626188
ОКЭД: 49500
Банк: «Узсаноаткурилмшбанк»
АТБ «Тукимачилик»ф
Телефонлар/ Факс:770-08-76
Статистик кодлар:
ДБИБТ (СООГУ)______________
МИОБТ (СОАТО)______________
Почта индекси:201002

Ш.Д.Хайдаров ______________
*Ф.И.Ш.*

М.У.

**«Истеъмолчи»**

**Газли шахар касалхонаси**

(бюджет маблагларини олувчи номи)
манзили: Газли ш.Амир Темур к.№2
тел\факс: 37-29-403, 37-29-185
ш/х 100022860062427073101054002
МФО 00014 ИНН 200978329 ОКОНХ 91511
Ромитан туман буйича Газначилик булинмаси
**ЯГХ23 402 000 300 100 001 010**
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шахар Бош бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ) МФО 00014
Газначилик булинмасининг СТИРи
201122919

[illegible] Ф.Р. Хасанов ______________
М.У.

*Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):* Набиряев Б.Н.

*Лицензия (диплом) № ва берилган санаси:* ______________

Вед. инженер УЭС
Камолов М.